

«Dunyoda ilmdan boshqa najot yoʻq va
hech qachon boʻlmagay». **Imom Buxoriy**



IMOM BUXORIY SABOQLARI

№ 1
2020

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

2020-YIL – ILM, MA'RIFAT VA RAQAMLI
IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH YILI

IMOM
BUXORIY
XALQAROVIY
TILDOQOT JURNALI
NASHRI

Ushbu sonda:

ULRIX RUDOLF –
MOTURIDIYSHUNOS
OLIM

4

MOTURIDIYLIKNING
VUJUDGA KELISHI
("Dorul Juzjoniya" va
"Dorul Iyodiya" maktablari)

6

IMOM BUXORIYNING
«AL-JOMI' AS-SAHIH»
YOZISHDAGI SAHIHLIK
SHARTLARI

13

PECULIARITIES
OF STUDYING FAMILY
LAW IN ISLAM

76

ФЕТВЫ
МУСУЛЬМАНСКИХ
УЛЕМОВ ПО
БАНКОВСКИМ
ПРОЦЕНТАМ

78

TERRORCHI
TASHKILOTLARNING
DAVLAT QIYOFASIGA
KIRISHI: MAQSAD VA
OQIBATLAR TAHLILI
(«ISHID» misolida)

95

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. <i>Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридий таълимоти: ўтмиш ва бугун</i>	3
Зоҳиджон ИСЛОМОВ. <i>Ульрих Рудольф – мотуридийшунос олим</i>	4
Отабек МУҲАММАДИЕВ. <i>Мотуридийликнинг вужудга келиши (“Дорул Жузжония” ва “Дорул Иёдия” мактаблари)</i>	6

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Бахтиёр ТУРАЕВ. <i>Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий: даври, таълим тизими, интеллект</i>	10
Шукрулло УМАРОВ, Нодир ҚОБИЛОВ. <i>Имом Бухорийнинг “ал-Жомий ас-Саҳиҳ” ҳадис тўпламини ёзишдаги саҳиҳлик шартлари</i>	13
Абдулвоҳид НУРИДДИНОВ. <i>Маҳдуми Аъзам таълимотида комил инсон ва унинг камолоти масалалари</i>	15
Комила ИСЛАМОВА. <i>Садриддин Айнийнинг маърифатпарварлик ва муаллимлик фаолияти</i>	17
Фахриддин ЮЛДАШЕВ. <i>“Иккинчи муаллим” Абу Наср Форобийнинг тасаввуф таълимотига муносабати</i> ...19	
Маърифат ХАНДАМОВА. <i>Абу Райҳон Беруний асарларида қадимги ҳиндлар диний урф-одатлари</i>21	
Бобир НАМОЗОВ. <i>Муҳаммад Порсо қарашида “مكان” - макон ва “زمان” - замон категорияларининг тасаввуфий-фалсафий таҳлили</i>	24
Азизхўжа ИНОЯТОВ. <i>Имом Бухорийнинг ақидавий оятларни тафсир қилишдаги ўзига хос услуби ҳамда фирқаларга раiddиялари</i>	27

НОДИР МАНБАЛАР

Рахшона КЕНЖАБОЕВА. <i>Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида вақф муносабатларининг мажбурий бўлиши масаласи</i>	30
Гузал РАХМАТОВА. <i>Экотуризм объекти бўлган “Боғи мазор” зиёратгоҳига оид қўлёзма манбалар</i>	32
Муҳаммадайнуб АЗИМОВ. <i>Тўрахўжа Ўзгандийнинг “Шарҳ саботул ожизийн” асари калом илмига оид муҳим манба</i>	34
Дилноза РУЗМАТОВА. <i>Холид Хусайнийнинг “Минг қуёш шуъласи” асаридаги етакчи мавзулар</i>	37

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Нафиса ЖЎРАЕВА. <i>Муқаддас зиёратгоҳлар Бухоро шаҳри топографиясининг таркиби сифатида</i>	40
Машкура РАШИДОВА. <i>Буюк аждодларимизнинг илм-фанга, тарбияга оид қарашлари</i>	41
Лола ХАСАНОВА. <i>Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва халқаро нуфузининг ортиб бориши</i> ..43	
Самариддин СУЮНОВ, Абдували АСЛАНОВ. <i>Жанубий Суғд сув омборларининг суғорилиш тарихи</i> ..45	
Одил ЗАРИПОВ. <i>Туркистон ер эгалигида «шуфъа ҳуқуқи»</i>	49
Набижон ДАМИНОВ. <i>Мустақиллик йилларида самарқанд вилояти олий ўқув юртларининг халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши ва истиқболлари</i>	51
Хусан ХУШВАҚТОВ. <i>Совет миллий сиёсати ҳақида айрим мулоҳазалар</i>	55
Хуршида ТИЛЛАХОДЖАЕВА. <i>Исторические корни семейных обычаев и традиций в Узбекистане</i>	57
Абдурасул БОЛТАЕВ, Бахриддин БЎРИБОЕВ. <i>Жиззах вилоятида сунъий суғориш тизимининг шаклланиш тарихи</i>	60
Лобар АСРОРОВА. <i>Вақф ҳужжатларида етти пир зиёратгоҳлари таъминоти масаласи</i>	64
Зухра АРИПОВА. <i>Миср мамлуклари даврида адабиёт</i>	66
Осимхон МАҲМУДОВ. <i>Амир Темур ва темурийлар даври суюрғол ер эгалиги хусусиятлари</i>	68
Дилноза ЖАМОЛОВА. <i>Бухоро Халқ Совет Республикасининг Туркия Республикаси билан ҳамкорлиги</i>70	
Шербек РАВШАНОВ. <i>Россия империясининг аҳолини кўчириш тарихий тажрибаси ва унинг Марказий Осиёга таъсири</i>	72

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Nigora YUSUPOVA. <i>Peculiarities of studying family law in Islam</i>	76
Баҳромжон МАМАДИЕВ. <i>Фетвы мусулманских улемов по банковским процентам</i>	78
Абдурасул АБДУЛЛАЕВ. <i>Ёшларда бағрикенглик туйғуларини шакллантиришда ислом қадриятларининг ўрни</i>	81

Қудратуллоқ СИДИҚМЕТОВ. <i>Ислом ақидасида суицид (ўз жонига қасд қилиш) масаласи</i>	83
Абдулқодир ПАРДАЕВ. <i>Аҳли сунна вал жамоа этиқодида “муаллақ қазо” тушунчаси</i>	85
Давронбек МАХСУДОВ. <i>XIV асрда яшаган ҳанафий мазҳаби муфассирлари</i>	88
Қосимбек РАЗЗОҚОВ. <i>Чиштия – тасаввуф тариқати сифатида</i>	91
Дилафруз ТУРДИЕВА. <i>Малайзия диний бағрикенглигининг урф-одатларда намоён бўлиши</i>	93

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Шаҳзод ИСЛОМОВ. <i>Террорчи ташкилотларнинг давлат қиёфасига кириши: мақсад ва оқибатлар таҳлили (“ИШИД” мисолида)</i>	95
Нодир ШОМИРЗАЕВ. <i>Экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолганларни ижтимоий реабилитация қилиш масаласи</i>	97

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Mansur NABIYEV. <i>O‘zbekistonda demokratik jamiyat rivojida ijtimoiy-ta’naviy qadriyatlarining ahamiyati</i>	99
Ижод АҲМЕДОВ. <i>Миллий ғоянинг тараққиёт жараёнидаги ижтимоий хусусияти</i>	101
Пўлат ҚАҲҲОРОВ. <i>“Ўтиш даври”да тарихий онгнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари</i>	103
Марғуба МУРАТОВА. <i>Мустақил Ўзбекистонда демократик-фуқаролик жамият қуришининг ўзига хос хусусиятлари ва бунда “ўзбек модели”нинг аҳамияти</i>	105
Тўлқин ЖУМАЕВ. <i>Ўзбекистонда Корейс диаспорасининг ижтимоий жараёнлари</i>	107
Дилдора МУРАТОВА. <i>Глобал техноген цивилизация тараққиёти ва унинг Ўзбекистон ижтимоий-маданий ҳаётига таъсири</i>	109
Фарход МАМАТҚУЛОВ, Сайёра ДЖАСАНОВА. <i>Замонавий аёлнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси</i>	112
Нодира ФАРХОДЖОНОВА. <i>Глобаллашув шароитида миллий қадриятларда интеграция</i>	115
Нодира СУЛТОНОВА. <i>Европа ва Марказий Осиё алломаларимиз асарларида дўстлик ва меҳр-муҳаббат талқинлари</i>	117
Серобжон ЮЛДАШЕВ. <i>Ўзбекистонни ривожлантиришининг ҳаракатлар стратегияси-ижтимоий-маданий технология сифатида</i>	121
Ўктам ШАКАРОВ. <i>Раҳбар фаолиятида одоб-ахлоқ нормаларининг ҳуқуқий асослари</i>	123

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Абдуҳаким ШАРИПОВ. <i>Жамият маънавий ҳаётида стратификацион жараёнлар ва ижтимоий ҳамкорлик ғояларининг ўрни</i>	126
Бахти ОЧИЛОВА. <i>Ахлоқий қадриятлар ва уларнинг функционал моҳияти</i>	128
Мақсуд ТОШБОБОЕВ. <i>Сунбий интеллект тушунчасининг моҳияти ва ривожланиши</i>	131
Mirzoulug‘ MAMASALIEV. <i>Sarvparali radhakrishnanning ijtimoiy, diniy-falsafiy qarashlari</i>	134
Жамшид ОЧИЛОВ. <i>Техноген цивилизация глобаллашувининг ижобий ва салбий оқибатлари</i>	136
Зебинисо ОДИНАЕВА. <i>Шарқ фалсафаси фанларини ўқитишда миллий идентиклик масалаларининг ёритилиши</i>	139

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Марғуба ҚУРБОНОВА. <i>Жамиятда ёшларнинг ижтимоий мавқеини шаклланиши</i>	141
Қувват АЛИҚУЛОВ. <i>Ёшларнинг иқтисодий фаоллигини ривожлантиришда ахлоқий омилларнинг имманент хусусиятлари</i>	143
Нуриддин АХМАДИЕВ, Исломжон ЖЎРАЕВ. <i>Ёшларда маънавий иммунитет ва ахлоқий маданиятни юксалтиришининг инновацион омиллари</i>	146
Нодиржон ТОҒАЕВ. <i>Миллатпарварлик тушунчасининг фалсафий моҳияти ва унинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни</i>	148

ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР

<i>Тоғун (вабо, ўлат)га доир ҳадислар ҳақида</i>	150
--	-----

лик кенг тарқалмаган.

Берунийнинг фикрича инсон дунёқарашига кишининг қабила-уруғчиликдан келиб чиқиши, миллати ва ирқига нисбатан бефарқлик хосдир; у аҳамият берадиган асосий нарса – кишининг қайси динга мансублигидир. У ҳиндларни фақат ҳинд динига эътиқод қилувчилар деб қараган. Шунингдек юнонлар, мониялар, зардуштийлар (муғлар), насронийлар, яҳудийлар унда бир тартибга хос тушунчалар бўлиб гавдаланади, яъни аниқ бир дин, маданиятнинг вакиллари, қандайдир уммат бўлиб гавдаланадилар. Дин деб у ўша даврнинг қарашларига мос равишда қандайдир ниҳоятда катта умумийликни – маънавий ҳаётнинг бутун мажмуасини ва ҳатто, инсон амалий фаолиятининг кўп тарафларини тушунган. Берунийда ҳар хил жамо-

алардаги маърифий умумийлик ва динларнинг тенг ҳуқуқлилиги, одатлар ва ахлоқий қарашлардаги умумийликка интилиш сезилади. Шу муносабат билан у динни икки шаклда тушуниш таълимотини келтиради: биринчиси, жуда юқори – маърифийлик, иккинчиси, анча тубан – жоҳиллик эканлигини таъкидлайди.

Мутафаккир қарашларида бошқа диний таълимотларга нисбатан бағрикенглик ва объективлик муносабатларини кузатиш мумкин. Ундаги оламни илмий билишга интилиш ва дунёни аниқ фактларга кўра тушунириш муҳим ҳисобланган. Берунийнинг “Ҳиндистон” асарида келтирилган динлар ҳақидаги маълумотлардан кўринадики, унда нафақат ҳинд динлари балки бошқа динларни қиёсий таҳлили қимматли маълумотлар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Рейхан Бируни. Избранные произведения. Т. II. Индия. / Перевод А.Б.Халидова и Ю.Н.Завадовского. Комментарий В.Г.Эрмана и А.Б.Халидова, Ответ. редактор В.И. Беляев. Ташкент – 1963.
2. Шарипов А. Великий мыслитель Беруни. Ташкент – 1972.
3. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар, III, Геодезия. Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи А.Аҳмедов. –Т., 1982.
4. Oriens, Bd. 9, 1956 – al-Bīrūnī's Übersetzung des Yoga-Sūtra des Patañjali, [Hrsg.] von H. Ritter, Oriens, vol. 9, 1956.
5. Г.М.Бонгард-Левин, Г.Ф.Ильин. Древняя Индия. М. 1969.
6. S a c h a u. Chronologie - S a c h a u. Chronologie – Chronologie orientalischer Völker von Albērūnī, Hrsg. von C.Eduard Sachau, Leipzig, 1878.
7. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар I том. –Т., Фан, 1968.

МУҲАММАД ПОРСО ҚАРАШЛАРИДА “مكان” – МАКОН ВА “زمان” – ЗАМОН КАТЕГОРИЯЛАРИНИНГ ТАСАВВУФИЙ- ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Бобир НАМОЗОВ
БухДУ Ислоҳ тарихи
ва манбашунослиги,
фалсафа кафедраси
мудир, доцент

Ушбу мақолада нақшбандийлик таълимотининг назарий томонларини ишлаб чиққан мутасаввиф олим Муҳаммад Порсонинг макон ва замон тушунчалари таҳлиliga бағишланган қарашлари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: мукошафат (руҳда туғилган ҳис), ориф (гностик), қурб (яқинлик), кашф, шухуд (шоҳидлик, мушоҳада), Сонеъ (яратил), илҳом, завқ, ҳол илми, мақом.

This article is dedicated to the analysis of the views of the sufi scholar Khoja Muhammad Porso, who analyzed the theoretical milestones of the Naqshbandiya schooling on existence. In this article his sufi views and ideas are comprehensively examined from the philosophical position, conclusions are made.

Данная статья проанализирует суждений про бытия великого суфийского ученого Ходжа Мухаммада Парса, который разрабатывал и рассматривал теоретические стороны учения Накибандия. В статье подробно изучены суфийские воззрения и идеи ученого с философской стороны, даны соответствующие выводы.

Макон ва замон олам мавжудлигининг умумий шакллари. Макон ва замон дунёнинг ажралмас қисми бўлганлиги учун фалсафанинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Табиатшуносликнинг хусусан, физиканинг ривожланиши билан макон ва замон ҳақидаги таълимотлар чуқурлашиб ва такомиллашиб борди. Макон ва замон ҳақидаги таълимотни ривожлантиришда астрономия, айниқса, космология муҳим роль ўйнади. Макон ва замон ҳақидаги илмий тасаввурлар материя, ҳаракат, ўзаро таъсир тушунчалари билан боғлиқ ҳолда ривожланди. Макон нарсалар жойлашадиган жой маъносида вақт эса, ҳодисалар бўлиб ўтадиган жой маъносида қўлланилади[1: 234].

Макон ва замон ҳақидаги фикр ва қарашлар унинг табиатини билишга бўлган интилишлар кўплаб мутафаккирлар, мутасаввифлар асарларида ҳам ўз аксини топган. Буни инсоннинг фаолияти ва билишнинг тараққиёти билан боғлаш мақсадга мувофиқдир. Коинотнинг боқийлиги инсон умрининг ўткинчилик хусусияти астрономик кузатишлар, аниқ фанларнинг ривожланиши баробарида ушбу категориялар-

ни чуқурроқ ўрганишга талаб ошиб борган. Макон ва замон категорияларига қизиқиш уларни ўрганиш дунёвий илмлар қатори, диний илмлар соҳаси вакиллари ҳам эътиборини тортиб келган. Ёндашувлар қарашлар хилма-хиллиги макон ва замон атрофидаги баҳс мунозараларни кенгайтириб борган. Шу жиҳатдан, фалсафа тарихида субстанционал ва реляцион йўналишлар фарқланган.

Маълумки, субстанционал йўналишда макон ва замон материя ва онга боғлиқ бўлмаган мустақил моҳиятлар сифатида қаралган. Демокрит макон муаммосида, Платон замонга нисбатан ёндашувларида макон ва замонни материяга ҳам, бир-бирига ҳам боғлиқ бўлмаган мустақил моҳиятлар сифатида талқин қилганлар.

Профессор Б.Тўраев фикрларига кўра, макон ва замон ҳақидаги қарашларнинг бутунги янги даврнинг янгича ёндашувлари асосида ўрганишга интилиш коинот ҳақидаги билимларимизнинг ошишига имкон беради. Аммо, янгича қараш, янги назариялардан макон ва замон категорияларини чиқариб ташлаш дегани эмас. Шунингдек, “Оламнинг фаза ва вақт тузилиши ҳақидаги тасаввурлар кенгаймоқда,

такомиллашмоқда. Бу фазо-вақтнинг реаллигини инкор этиш деган гап эмас. Фазо ва вақт ҳақидаги эскирган тасаввурларимиз ўрнини оламга янгича қараш билан боғланган янгича тасаввурлар эгалламоқда. Бу фазо ва вақтнинг метрик ҳамда топологик хусусиятлари тўғрисидаги қарашлар кескин ўзгараётганлиги, оламнинг фазо-вақт тузилишининг янгича моделлари ишлаб чиқиляётгани, фазонинг топологик хусусиятларидан ўлчамлилик, компактлик, тартибланганлик, қатламлик, боғланганлик каби сифатий жиҳатлари ҳақидаги математик назарияларнинг тобора такомиллашиб борётганлиги, фазо ва вақтда метрик ва топологик хусусиятларнинг бир-бири билан боғлиқлигининг янги-янги қирралари очилаётганлиги билан изоҳланади. Янги аниқланган ҳодисаларни эскича қолиплар, эскича тасаввурлар воситасида, эскича қоидалар орқали изоҳлаб бўлмайди. Шундай экан, голографик Коинот назариясидан вақт ва фазо категорияларини бутунлай чиқариб ташлаш керак деган радикал фикрлар билан мутлақо келишиб бўлмайди. Дунёнинг икки ўлчовли голографик манзарасини фазо ва вақтнинг янгича хусусиятлари орқали изоҳлашга, асослашга, тушунтиришга интилиш керак. Бу жойда фазо ва вақтнинг бошқа ўлчовлари ана шу икки ўлчовда компактлашади. Компактлашган фазо ўлчовини ёйиш орқали яна ўша уч ўлчовли фазо ва бир ўлчовли вақт келиб чиқаверади” [2]

XIV-XV асрларда мусулмон шарқи алломалари ҳам макон ва замон ҳақидаги фикр ва қарашларини илгари сурганлар. Тасаввуф назариётчиси Муҳаммад Порсонинг макон ва замон категориялари ҳақидаги қарашлари ҳам ўзига хос илмий аҳамиятга эга. У ўзининг “Фаслул-хитоб” асарида макон ва замон категорияларини қуйидагича ифодаляди: “Макон”: А) مکان روھانيات (“Рухоният макони ёки маънавий макон”) б) مکان جسمانيات (“Моддий макон”) маконларига бўлинади. Моддий макон: 1) “Касиф” “كسيف” (“қуюқ, лой, Ер”), 2) “Латиф” “لطيف” (“юмшоқ, майин,”), 3) “Алтоф” “لطفا” (“ўта юмшоқ ёки ўта майин”) маконлардан иборатдир [3: 74].

Муҳаммад Порсонинг таъкидлашича, “Касиф” “كسيف” (“қуюқ, лой, Ер”) “مکاني جسمانيات کسيفي زميني است” қаттиқ, қуюқ, моддий макон бу – Ердир. Ерда торлик, тигизлик, зичлик мавжуд бўлиб, нарсалар бирортаси ўз ўрнини бўшатмаса, бошқаси унинг ўрнини эгаллай олмайди [3: 74].

Муҳаммад Порсо “Қурб”, “قرب”, (“яқин”) ва “بعد” (“буьд”) [3: 78] (“узок”)лик ҳақида ўз қарашларини баён қилиб, касиф (“қуюқ, лой, Ер”) маконда “нақл ақдом” [3: 77] “نقل قطع” (“Маконда нарсалар ҳаракати”), “қатеъ масофат” “مسافة” (“масофани кесиб ўтиш”)[3: 77] сабабли маконда маълум тартиб асосидаги ҳаракат мавжуд. Нрсалар ўз-ўзича бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ёки бошқасини ўрнини эгаллай олмайди. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиши учун вақт ва масофа талаби мавжуд. Объект муайян жойдан узоклашиши мумкин, лекин бунинг натижасида макон ўзгармайди ва йўқолмайди, у объектларга боғлиқ эмас, – дейди.

Муҳаммад Порсо макродунёдан юқорида турувчи “Латиф” “لطيف” (“майин” ёки “юмшоқ”) макон ҳақида фикр юришиб, уни “бод” “باد” яъни, ҳаво макони деб атайди. Унингча, бу маконда ҳам зичлик, тигизлик, мавжуд. Хонадаги ҳавонинг ташқарига таъсири бўлмайди ёки ташқаридан ҳаво унга кира олмайди “Касиф” “كسيف” (“қуюқ, лой, Ер”) ва “Латиф” “لطيف” (“майин” ёки “юмшоқ”) маконга нисбатан “узок” ва “яқин”лик фарқланади. “Касиф” “كسيف” (“қуюқ, лой, Ер”) макондаги “بعد” (“буьд”) [3: 78] (“узок”)лик “Латиф” “لطيف” (“майин” ёки “юмшоқ”) макондаги “Қурб”, “قرب” (“яқин”)ликдир. Шунингдек, “Латиф” “لطيف” (“майин” ёки “юмшоқ”) макондаги макондаги “Қурб”, “قرب” (“яқин”)лик касиф “كسيف” (“қуюқ, лой, Ер”) макондаги “بعد” (“буьд”) [3:

78] (“узок”)ликдир.

Муҳаммад Порсо фикрича, куш латиф маконда (осмонда) бир соатда босиб ўтган масофани ерда бир ойда ҳам босиб ўта олмайди. Шу каби, қуёш нурлари ҳам ҳаво маконида Мағрибга етиши учун муддат керак бўлади. Лекин, энг юқори қатлам (стратасфера) “алтоф” “لطفا” (“ўта майин ёки юмшоқ”) макондан қуёш Машриқдан чиқиши билан Мағрибга ета олади. Бу фақат Қуёш нурларига хосдир. “Латиф” “لطيف” (“майин” ёки “юмшоқ”) маконда “анвори суварий” “اناري صوري” яъни, (“нурлар сурати”, “سورة” араб тилидан таржима қилганда тезлик маъносини беради. Ундан ташқари, ой, юлдуз, ва оловнинг нури булар “Латиф” “لطيف” (“майин” ёки “юмшоқ”) бўлиб, Қуёш нурларининг “алтоф” “لطفا” (“ўта майин ёки юмшоқ”) макондаги тезлигидан фарқ қилади. Шу сабабли, “Латиф” “لطيف” (“майин” ёки “юмшоқ”) маконда “узок”лик, “алтоф” “لطفا” (“ўта майин ёки юмшоқ”) макондаги “яқин”ликдир.

Муҳаммад Порсо фикрича, Машриқ ва Мағриб ўртасидаги масофа касиф “كسيف” макондан узок ва “алтоф” “لطفا” маконидан жуда яқиндир. Унинг фикрларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, макон ва вақт яхлитликни ташкил этиши моддий жисмлар ҳаракатининг тезлигига ҳам боғлиқдир.

Юқорида Муҳаммад Порсо мисол тариқасида келтирган қушнинг ердаги ҳаракати, ҳаводаги ҳаракати, Қуёш нурлари ҳаракатининг тезлиги унинг ошиши туфайли муддат ва масофаларнинг қисқариши, вақтнинг оқими макон, вақт ва ҳаракат материя мавжудлигининг атрибутлари сифатида қаралади. Унда макон ва вақт алоҳида мустақил моҳиятлар сифатида қаралмайди. Муҳаммад Порсонинг тасаввуф назариётчиси сифатида табиатшунослик масалаларидаги мулоҳазалари ўзига хосдир. Унинг макон ва замон категорияларини тушунтиришдаги диалектик ёндашуви илмий аҳамият касб этади.

Муҳаммад Порсонинг ютуқларидан яна бири шуки, у билиш назарияси билан бир қаторда макон ва замон, уларнинг ажралмаслиги, яхлитлиги ҳамда бир бутунлигини таъкидляйди. Улар орасидаги фарқни ажратиб кўрсатди ҳамда макон ва замоннинг диалектик алоқадорлигини тўлиқ ёритди. “Замонни – жисмоният (моддий нарсалар) ва рухоният (маънавий) замонларига бўлиб, уларнинг фарқли жиҳатларини кўрсатиб берди.

XIV-XV асрларда ёруғлик тезлиги, нисбийлик назариялари, квант назариялари ҳали кашф этилмаган бир замонда Муҳаммад Порсо асарларида ёруғлик, тезликлар ҳақидаги масалаларнинг таҳлил этилиши аждоқларимиз тафаккури даҳосининг нақадар буюклигини тасдиқляйди. Муҳаммад Порсо ҳақида фикр юритган олимлар унинг “тафсир, ҳадис, тасаввуф, калом, география, адабиёт, тарих, фикр” [4: 33-34] каби соҳаларнинг ҳам пешқадам олими бўлганлигини таъкидляйдилар. Шунга қўшимча қилиб Муҳаммад Порсонинг табиатшунослик соҳасига бўлган қизиқиши ва фикр мулоҳазаларини унинг йирик асарларида кўриш мумкин. Уни нафақат нақшбандия тариқати вакили сифатида билиш балки ўз даврининг Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий каби олим ва шоирлари томондан юксак ҳурмат билан эътироф этилиши уни назариётчи олим, буюқ мутасаввиф ва мутафаккир улуг шайх даражасида қомусий алломалар сафида билишимиз мақсадга мувофиқдир. Унинг илмий мероси илм саҳросида тўғри йўл излаган ҳар бир йўловчига асрлар оша йўлчи юлдуз бўлиб келганига шубҳа йўқ.

Муҳаммад Порсо қарашларига кўра, “زمان جسمانيات” (“жисмоният замони”) (“Моддий нарсалар замони”) икки мартабага эга. а). Қуйук, қаттиқ жисмлар замони. Бу замон фалаклар ҳаракатидан бошланади. У ўтган йил, бу йил,

кеча, бугун ва эрта. Замоннинг узун қисқалигига кўра, йил ойга нисбатан узун, ой эса, қисқадир. Замон – ўтган замон, ҳозирги замон ва келаси замондан иборат. Замонда кенглик ва торлик бор. Токи кеча кетмаса, бугун келмайди. Бугун кетмаса, эрта келмайди” [3: 78].

б). “زمان روھانيات” (“Замони рухоният”) (“Майин, юмшоқ, латиф нарсалар замони”, “Маънавий”). У “Жин”лар замонидир. Ҳар бир нарса, моддий нарсалар замонида узоқ бўлса, “Рухоният замони”да қисқадир. Ким бу замонда иш қилса, бир кунда, куйуқ жисмлар замонида йиллаб қила олмаган ишларини қила олади. Муҳаммад Порсо фикрича, жинлар замонида нима узун ва кўп бўлса, малоикалар замонида улар қисқа ва онийдир. Бу дунёнинг минг йили бир нафас бўлади. Ким мана шу замонда иш қилса, минг йиллик ишни бир нафасда қилади. Бу замонда сиқилиш “қабз” кенглик “баст” йўқ. Минг йил ўтса, минг йил келса, бунда замон жамланмайди. Бу замон азал ва абадни ихота қилолмайди. Шу сабаб бу замон ўтувчи ва тамом бўлувчидир. Шунинг учун тамом бўлмайдиган замонни ихота қила олмайди. Фалаклар айланиши билан бошланадиган ҳаракатдаги замоннинг торлигидан ҳам бу замон муназаҳа – покдир.

Муҳаммад Порсо фикрича, номоддий мавжудотлар бошқа ўлчовдаги макон ва замонда бўла оладилар, бироқ у биз биладиган вақтга боғлиқ эмас. Биз биладиган вақт инсон ҳаёлининг ҳосиласидир. Вақтни инсон моддий олам тўғрисидаги ўз ҳиссиёт ва тасаввурларини тартибга солиш, кўринадиган, ҳис этиладиган моддий олам ҳодисаларини таснифлаш, табақалаштириш учун ўйлаб чиқарган. Рухий мавжудотлар жумладан инсон руҳи, жони, нафаси бошқа ўлчовдаги маконга тааллуқли бўлиб, вақтга боғлиқ эмас, абадийликка даҳлдор бўлади. Инсон шу жиҳатдан “Олами акбар”дир. Шунинг учун тасаввуф алломалари қарашларида одам оламда эмас, балки, олам одамдадир, чунки, инсон ўзида ҳам моддий ҳам маънавий руҳий оламини жо этган мавжудликдир.

Муҳаммад Порсо вақт унинг моҳияти, табиати ва уни асраш, вақтни бекорга сарф қилмаслик яхши амалларга сарфлаш ундан тўғри фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берган. Тасаввуф назарийчилари вақт масаласида “Ибнул-вақт”, “Абул-вақт”, “Соҳибул-вақт” тушунчаларини ўз асарларида таҳлил қилдилар. Улар асарларида вақтни энг кичик ўлчамларда ифодалашга ҳаракат қилдилар. Мисол: дам, лаҳза, фурсат, нафас, он каби бирикларда ифодаланади. Илк ўрта аср тасаввуф назарийчиси Хужвирий шундай ёзади: “...Вақт дегани бу банданинг ўтган замону келаси замондан батамом қутулмоғидир. Ҳақдан ворид бўлган нарсани дилга пайванд этиб, Унинг сирини унда сақламокдир. Негаки, кашф келганда на ўтмиш эсга келади, на келажак. ...Бундан мақсад ҳамма халқнинг у нарсаларга қўли етмасин ва ўтмишда нима бўлгани-ю келжақда нима бўлишини билмасин. Вақт арбоблари шундай дейди: “Бизнинг илмимиз ўтмиш ва келажакни идрок қилмасликдир. Бизнинг вақтимиз Ҳақ билан хушдир. Агар бир лаҳза бўлсада, кечага машғул бўлсак ёки эртани ўйласак вақтдан ҳижобда қоламиз” [5: 369].

Албатта, диний-фалсафий моҳиятга эга бўлган ушбу фикрларни бошқа дин уламолари ҳамда тасаввуф намояндалари таълимотларида ҳам кўриш мумкин. Хожгон-Нақшбандия рашхаларидан бири “Хуш дар дам”даги яна бир яширин маъно, бу дам сўзи бўлиб, лаҳза, фурсатдир. Бу ҳақида тасаввуф адбиётида кўплар шерлар, манзумалар битилган. Айниқса, Алишер Навоий асарларида бу жуда гўзал ифодаланади:

**Кел бир дам, эй ҳариф, харобот сориким,
Май важҳидин бу хирқа била жалсонимиз** [6].

Навоий вақтнинг энг кичик бирлиги – дам, лаҳза, фур-

сатта шу даражада қатта мазмун бағишлайдики, давр ва замоннинг ранжу қийноқларидан ўзини муҳофаза қилишда дам гўё бир даҳлсиз қалқон сифатида кўзга ташланади.

Ҳақиқатда, дам, нафасдан нафасга ўтиш ораллиғида воқеъ бўладиган ўша сир ҳақиқатидир. У лаҳзада, оний вақтда зухур этадики, зокир ундан хузур топади. У шу хузурнинг бардавом бўлишига умид қилади. Зикрда собитликни касб этади. Ўзида рўй бераётган ҳолатдан топаётган нарсаси ҳар нарсадан улуг. Ўзида уни мушоҳада қила бошлайди. Шу зайл унга ирфон етади.

XIV-XV асрларда ёруғлик тезлиги, нисбийлик назариялари, квант назариялари ҳали кашф этилмаган бир замонда Хожа Муҳаммад Порсо тафаккурида мазкур ғояларнинг ўз аксини топиши ажодларимизнинг нақадар буюк инсон бўлганликларидан далолат беради.

Муҳаммад Порсо “Фаслул-хитоб” асарида а). “Рухоният макони” “адно” ادني (“қуйи рухоният макон”), б). “авсат” اوست (“ўрта рухоният макони”) в). اعلي “аъло” (“олий рухоният макон”) маконларига бўлинишини ва улар ўртасида фарқ борлигини баён қилган.

Муҳаммад Порсо фикрича, ادني “адно” рухоният макони бу фаришталар макони, улар ерга дарёлар, тоғларга вакил қилиб туширилган. Бу вакил фаришталар сифлий оламнинг муназим бағридандирлар” [3: 45].

Муҳаммад Порсо ўз фикрларини Қуръоннинг “Соффат” сураси 164-оятда уларнинг ҳар бири учун маълум мақом борлиги айтилади: “Биздан ҳар биримизнинг маълум мақомимиз бордир” [3: 46], деган оятлари билан мустаҳкамлайди.

اوست “Авсат” (“ўрта рухоният”) макони эса, осмонларнинг малоикалари маконидир-ки, ҳар осмон бошқасидан маҳжуб (тўсилган). Яъни, осмонлар бир-биридан тўсилган ўраб олингандир. اعلي “Аъло (олий рухоният) макони эса, ҳазрати рубубиятга яқинлар маконидир. Муҳаммад Порсо инсон руҳлари мартабасига эса, ҳеч бир яратилган нарсалар латофат билан ёки даража билан эришган эмас. Уни ақл чироғи билан излаш беимкон аммо инсон руҳи камолга етиш имконига эга. Чунки, инсон қолибини рухониятга макон қилди. Ҳеч бир яратилган нарса маконларнинг улухиятига (илоҳий) ва қудсий (муқаддаслик) даражасига етган эмас. Рухларнинг даражаларида ҳам фарқлар бор. Уларнинг фарқи латифлигидадир. Энг латиф рух инсоният руҳидир. Бу рух жудаёам латиф бўлиб, ҳеч зарра Аршдан то фаршгача ундан узоқ эмас. У ёпишган ҳам ажралган ҳам дохил ҳам хориж ҳам эмас. Ҳаракатда ҳам сокин ҳам эмас. Агар маърифат куёши чиқса, ақл чироғига ҳожат тушмайди. Инсон руҳлари мартабасига ҳеч бир яратилган нарсалар латофат билан ёки даража билан эришган эмас. Уни ақл чироғи билан излаш беимкон, аммо инсон руҳи камолга етиш имконига эга. Инсон руҳи камолга етса қолибни ҳам рухоний маконга тортади. Аллоҳ инсон қолибини рухониятга макон қилди. Аммо ҳеч бир яратилган нарса маконларнинг улухиятига ва қудсий даражасига етган эмас.

Муҳаммад Порсо “Таҳқиқот” асарида Баҳоуддин Нақшбанднинг “Вуқуфи замоний” рашхасини таҳлил қилган. Унда замондан воқиф бўлиш унинг табиати ҳақидаги фикрларини баён этган. Вуқуфи замоний ўтмиш ва келажакдан эмас, ҳозир деган ҳаёт хифзини амалга оширади. Фикримизни ойдинлаштириш учун тасаввуфшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг фикрларини келтираимиз: Тасаввуфда вақт – ўтмиш билан келажак ўртасидаги замон бирлиги ҳисобланади. Алишер Навоий “Маҳбубу-л-қулуб”да ёзади: “Ўтган рўзгор адамдир” яъни, йўқдир. “Келмагандин сўз айтқон аҳли надамдир” яъни, пушаймонликдир ва “ҳоло муғтанамдир”, яъни, ҳозир ғаниматдир. Бир турк бу маънида дебдурким: Дам бу дамдур.

**Мози-ю мустақбал аҳволи тақаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дам** [6: 131].

Хожа Муҳаммад Порсонинг фикрича, воқифлик энг афзал амалдир. Нажмиддин Кубро таъкидлашчи, “Вақт кескир қиличдир...замон ўткир қиличдек ҳаракатланади ва ўз ҳукмини адо этади. Сўфий “Ибнул-вақтдир” вақтнинг ўлидир. У замон билан баробар юради. У ўтмишга ҳам келажакка ҳам назар ташламас. Унинг ўтмиш ва келажакка боқиши вақтни беҳуда кетказмоғи демакдир, бунинг такрори эса, кўп вақтни зое этар” [7: 157-158].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки:

- Муҳаммад Порсо моддий дунёда Ҳақ қонунлари асосида ҳаракат қиладиган тартиб борлигини, ердаги ва самоддаги ҳодисалар ўзаро боғлиқ деган ғояни илгари сурган;

- Муҳаммад Порсо бутун борлиқни тизимли, яхлит ҳолда тадқиқ этиб, уни уч даражага бўлади: ишқ, ҳасти (борлиқ), нести (йўқлик) ва уларнинг мазмун моҳиятини кенг таҳлил қилади. Шу билан бирга, борлиқ муаммосига ўз муносабатини билдириб, уни тасаввуфий-ирфоний қарашлари билан бойитган;

- Муҳаммад Порсо Ибн Арабийнинг “Ваҳдат-ул-вужуд” фалсафасининг тикланиши ва тушунарсиз жиҳатларини тўлдиршига, унинг иттиҳод, ҳулул, иттисол, ваҳдатга

алоқаси йўқлигини асослашга ҳаракат қилган;

- Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотида борлиқ ҳазрати аҳадиятнинг партави (акси, зуҳури, сояси) дир, яъни, ҳамма нарса Ундандир, ҳамма нарса Унинг Ўзидир. Усиз бирор нарса бор бўла олмайди. Борлиқдаги барча мавжудот Унинг нурунинг (тажаллийси) жилосидир;

- У замон ва макон доирасига сиғмайдиган лекин ўз илмида мавжуд уни билиш, англаш турлича бўлиши мумкин: Сифат ва ранг, шакл, ҳазрати аҳадиятда У дир-ки, касрат олами мазоҳирида (борлиқда) турли-туман кўринишларда ўзининг феъл, исм ва сифатлари билан асмий (исмий), сифотий ва феълий тажаллий қилиб, ўзига ўзини жилолантиради;

- Хожа Муҳаммад Порсо “макон” ва “замон” категорияларини турли даражаларга бўлган. Рухлар макони ва руҳлар замони каби диний-фалсафий тушунчалар билан бойитган;

- Муҳаммад Порсонинг энг катта ютуқларидан яна бири шундаки, у билиш назарияси билан бир қаторда макон ва замон, уларнинг ажралмаслиги, яхлитлиги ва бир бутунлигини ҳамда диалектик алоқадорлигини ёритди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фалсафа: қомусий луғат (тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004.
2. Б.О.Тўраев. Голографик коинот ҳақида мулоҳазалар. ЎЗА Илм-фан бўлими. (Электрон журна) 2019. 1-ноябрь.
3. Хожа Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. Бухоро. Марказий АКМ Шарқ қўлёзмалари бўлими. INV/137 рақамли қўлёзма.
4. М.Исмоилов. Хожа Муҳаммад Порсонинг шарқшунослик институтида сақланаётган асарлари. Имом Бухорий сабоқлари. №3. 2019.
5. Али Ибн Усман аль-Хуждбири. “Раскрытие скрытого за завесы”. Старейший трактат по суфизму. Перевод с английского А. Орлова. –М.: Единство, 2004.
6. Ҳаққулов И. Тақдир ва тафаккур. –Т.: Шарқ, 2007.
7. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. –Мовароуннаҳр, 2004.

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ АҚИДАВИЙ ОЯТЛАРНИ ТАФСИР ҚИЛИШДАГИ ЎЗИГА ХОС УСЛУБИ ҲАМДА ФИРҚАЛАРГА РАДДИЯЛАРИ

Азизхўжа ИНОЯТОВ
Ўзбекистон халқаро
ислом академияси
мустақил
тадқиқотчиси

Ақида илми – охирада нажот топишда аҳамиятли эканлиги сабабли ҳар бир киши ўрганиши вожиб бўлган илмдир. Кимнинг ақидаси тўғри бўлса, имони тўғри бўлади ва охирада омонда бўлади. Кимнинг ақидаси тўғри бўлмаса, бунинг акси бўлади. Ушбу илм инсон ҳаётида одоб-ахлоқ, ибодат, олди-берди алоқалари ва барча илмлардан муҳимроқ ўрин тутаети.

Имом Бухорий замонидан олдин ақидавий баҳслар авж олиб, ўзининг мукамал чўққисига етиб борган эди. У зот ҳали бутун дунёга танилмай туриб, кўплаб исломий фирқалар юзага келиб, бир-бири билан ақидавий масалаларда курашиб, ўзаро душманлик қилиб, аҳли сунна уламоларининг фикрларига қарама-қарши бўлган турли ақидавий фирқалар билан шугулланишарди. Ислום оламида эътиқод масалаларида бир-бирига қарама-қарши бўлган хилма-хил ғояларни илгари сурадиган қадарийлар, шиалар, жаҳмийлар, муътазиллар, рофизийлар каби ўнлаб оқимлар ўртасидаги тортишувлар баъзан қонли можаролар билан якунланар эди. Ана шундай мураккаб даврда имом Бухорий каби улуг уламолар чиқиб, ўзларининг илму-маърифатлари, чуқур ва теран тафаккурлари билан жаҳолатни енгишга ҳаракат қилдилар. Шу тариқа, соф Ислוםий ақидани сақлаб қолиш учун ўзларининг бор салоҳиятлари ва куч қувватларини аямадилар. Шунини алоҳида таъкидлаш

жоизки, улар Қуръони карим ва Суннат таълимотлари асосида ҳамда Муҳаммад (с.а.в) саҳобалари услубида ақийда масалаларини ёрита бошладилар.

Адашган тоифалар Қуръони каримдаги муташобих оятларни ўзларининг эгри қарашлари билан таъвил этишга тобеъ ва улар борасида ихтилоф қилишга уринувчи тоифалардан бўлдилар.

Имом Бухорийнинг “ал-Жомий ас-саҳиҳ” китоби ва ундаги иймон, тавҳид каби бобларда келтирилган оятларнинг тафсири юқоридаги фирқаларнинг қарашларига раддия бўлиб, ислом шариятидаги ақидавий масалалар ечимида муҳим аҳамият касб этади.

Имом Бухорий Қуръон оятларини ўзига хос усулда тафсир қилиш йўли билан “ал-Жомий ас-саҳиҳ” китобидаги қуйидаги бобларида: иймон китобида муржиъийларга, тавҳид китобида муътазила ва жаҳмийларга, қадар китобида эса қадарийларга ва улар томонидан айтилган фикрларига сўзма-сўз раддиялар келтириб ўтади ва уларнинг нотўғри қарашларини ўзларига очиб беради.

Мисол учун муржиъийларга имом Бухорий ўттиз саккизинчи бобда 30 та оят, 50 та ҳадис ва 23 та олдингилар (саҳоба ва тобеъинлар)нинг сўзлари билан раддия берган бўлса, қадарийларнинг ўттиз иккинчи бобда 25 та оят, 70 та ҳадис ва 15 та саҳобаларнинг сўзлари билан раддиялар